O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 5 декабрь, № 237 (4136) Сешанба

Истиқлол шарофати билан Тўрткўл тумани аҳолиси ҳам темир йўл хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Бу ердан кунига юзлаб йўловчилар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига йўл олишмоқда.

Сафарингиз бехатар бўлсин

Шундай масъулиятни ҳис қилган вокзал жамоаси эса уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бекат бошлиғи Қувондиқ Жуманиёзовнинг айтишича, ходимларнинг ишига фидойилиги, хушмуомалалиги туфайли йўловчилар улардан доимо мамнун.

СУРАТЛАРДА: Феруза Абдуллаева иш пайтида; Тўрткўл вокзалининг умумий кўриниши.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИЖОБИЙ БАҲОЛАНМОҚДА

Парижнинг Халқаро дипломатия академиясида (ХДА) бўлиб ўтган «Ўзбекистон: демократик ислоҳотлар стратегияси ва истиқболлари» мавзуидаги конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти раҳбари Б.Худойбердиев раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси, шунингдек, Франция Сенати, Миллий Ассамблеяси, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, сиёсий институтлар, илмий ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситалари, ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

«Франция ва Ўзбекистон: икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик» мавзуига бағишланган чиқишида Халқаро дипломатия академиясининг бош котиби Ю.Монза ушбу конференциянинг ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти Халқаро дипломатия академияси учун катта шараф эканини таъкидлади. Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни тавсифлар экан, Ю.Монза мамлакатимиз жадал тараққиёти мустаҳкам тенденциясининг мавжудлигини қайд этди. У ҳозир Францияда ва Европада Марказий Осиёда муҳим геосиёсий аҳамият касб этаётган Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ю.Монзанинг фикрича, Европа Иттифоқи Ўзбекистонга минтақадаги муҳим, ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қараши, мамлакатимиз билан келажакда ҳам жадал ва амалий ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлиши лозимдир.

Франция Сенати аъзоси, «Франция-Марказий Осиё» парламентлараро дўстлик гуруҳининг раиси А.Дюле Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда демократияни мустаҳкамлашдаги муҳим воқеа бўлган икки палатали парламент ташкил этиш борасидаги қадамини юқори баҳолади. У, шунингдек, юртимизда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам яна бир жиддий қарор бўлганини қайд этди.

— Яқинда кўриб чиқиш учун қабул қилинган сиёсий партиялар ролини кучайтиришга йўналтирилган қонун лойиҳаси ва шу муносабат билан Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишдаги муҳим қадам бўлди, — деб таъкидлади франциялик сенатор. — Шу маънода Ўзбекистон Президентининг муҳолифат партияларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги таклифи, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида рўй бераётган бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликлари соҳасидаги ислоҳотлар самарадор ва изчил эканидан далолат беради. Франция олий қонунчилик органи келгусида ҳам Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантиришга фаол кўмаклашишга ҳозирдир.

Франциядаги Европа хавфсизлиги истиқболлари институтининг бош котиби Э.Дюпьи Европа Иттифоқи жаҳонда юзага келган вазиятни ҳисобга олиб ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон тутган ўринни эътиборга олган ҳолда, ЕИ ва Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш борасида тегишли чораларни қўллашига умид билдиради. У ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича расмиятчилик учун ўтказиладиган учрашувлардан яқин шериклик муносабатларига ўтиш зарур эканини айтди. Унинг фикрича, ортиқча сиёсийлашувга йўл қўймаслик зарур, минтақа мамлакатлари билан муносабатларда эса мулоҳазали, пухта ўйланган ва ҳаққоний ёндошув лозим, салмоқли энергетик салоҳиятга эга экани муносабати билан минтақанинг аҳамияти ўсиб бораётганини унутмаслик керак.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

Жойларда 2007 йил ҳосили учун уруғлик чигитни тозалаш, туксизлантириш, саралаш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳамда касалликларга қарши дорилашга бағишланган ҳудудий кўргазмали семинар-кенгашлар бошланди.

ИЛМИЙ – АМАЛИЙ СЕМИНАР

Улар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази каби қатор ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги "Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу кенгашлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бирлашган ҳудудларида бўлиб ўтади.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ деҳқонларимиз кўтараётган хирмон йилдан-йилга юксалиб бормоқда, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пахтачиликни ва техник экинларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмат Муборaков. — Бунда, айниқса сифатли уруғлик чигит тайёрлашга берилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётир. Ҳудудларда бошланган кенгашларда сифатли уруғлик чигит тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинади.

Кенгашларни ташкил этишдан мақсад жойларда ғўза навларини тўғри жойлаштириш ва сифатли уруғ жамғармасини яратишдан иборат. Жиззах вилоятида бошланган кўргазмали семинар 20 декабрда Қашқадарё воҳасида якунланади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.

«ЎЗБЕГИМ ДАВЛАТИН ҚУРСАК МАЙЛИМИ...»

«Сизларнинг мантиғингиз шундай: гўё сизларнинг давлатларингиз Цезарнинг рафиқасию у ҳар қандай танқид ва шубҳалардан холи. Нима учун шундай деб ўйлайсизлар?»

Ислом КАРИМОВ

Латифанамо ишлар

Ўзбекнинг мақолу ҳикматли сўзлари остида олам-олам маъно ётишику бор гап. Қарангки, бу халқнинг замонлар оша ўтиб келаётган латифалари ҳам тез-тез ёдга тушиб туриши бежиз эмас экан.

Бир одамнинг боғига ўғри тушибди. Қўйниқўнжини мевага тўлдириб энди девор ошиб қочаман деб турганда, хавфдан оғоқ бўлган боғ эгаси ўғрининг оёғидан ушлабди. У:

— Нега бировнинг боғига тушасан, текинхўр!? — деса, ўзини оқлашга дурустроқ баҳона топа олмаган ўғри:

— Нега ўзинг хотинингга ковуш олиб бермайсан? — дермиш.

АҚШ Давлат департаментининг ўзи тузган "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" рўйхатига Ўзбекистон Республикасини киритганини эшитиб, беихтиёр, шу латифа эсга келди.

Аслида бирор халқаро ҳужжат билан у ёхуд бу давлатга дунёдаги мамлакатларга баҳо бериш, унисини "ўпоқ" — бунисини "сўпоқ" деб эълон тарқатиш ҳуқуқи берилган эмас. Бу гап асрлар оша муқаддас ислом динига эътиқод қиладиган мустақил мусулмон давлатларига ҳам, бу давлатларни турли катталикдаги олишувлар рингига гиж-гижлаб чиқаришга уринаётган, ўзи эса, жанг саҳнаси атрофига қўйилган оромкурсига ястаниб, олишувчилар ҳаракатига балл бериб туришни хоҳлаётган "ҳакам давлатлар"га ҳам бирдек тегишлидир.

Кейинги йилларда Ғарбнинг мусулмон давлатларида қўллаётган сиёсатига жиддий таҳрирлар киритилганини пайқаш қийин эмас. Ғарбона демократияни, эътиқодсиз яшаш тарзини бу юртларга мажбурий жорий этиш режаси барбод бўлаётганини, бу йўналишда бирор арзигулик натижага эришиш амри маҳол эканини сезган "ҳакам давлатлар" энди "сопини ўзидан чиқариш" йўлини тутмоқда. (Аслида бу усул ҳам ниҳоятда янги ихтиро эмаслигини ўқувчиларимиз яхши билишади.)

Аввалари ўзаро тинч, бир-бирларини қўллаб яшаган, турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилган миллат ва элатлар, "тинчликпарвар кучлар", "инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилотлари" "саъй-ҳаракати" натижасида бирданига ўзаро душманга, бир-бировини бўғизлаб ташлашга тайёр ёвга айланиб боряпти. Ислом динининг икки йирик мазҳаби — сунний ва шиа мазҳаби асосида ягона Аллоҳга эътиқод қиладиган кечаги биродарлар, бугун то қиёмат қадар урушишга тайёр оломон сиёқига кирмоқда. Ҳеч қачон кимлигини топиб бўлмайдиган яширин кучлар бир кун шиаларнинг етакчилари ҳаётига суиқасд уюштирса, эртасига суннийлар раҳбарлари кетаётган машина портлаб кетади... Бу суиқасдлар натижасида оққан қон ва парчаланиб кетган жасадларни қайта-қайта кўрсатиб, шундоқ ҳам ёниб ётган оловга керосин пуркайдиган ОАВчилар елкасида ҳам Ғарб телекомпаниялари белгилари..

Энг хавфлиси — бундай парокандаликни фақат бир мусулмон давлати фуқаролари ичидагина эмас, балки кўпчилик аҳолиси у ёхуд бу мазҳабга эътиқод қилиши билан фарқланадиган ўзаро қўшни мусулмон давлатлари ўртасида ҳам пайдо қилишга зўр берилаётганидир.

Агар ўша кучлар бу ёвуз ниятларига эришадиган бўлса, мусулмон дунёси учун бошқа душманнинг кераги бўлмаслиги аниқ.

Шоир Шавкат Раҳмон шўро замонида ёзган "Хиргойи" номли шеърида истиқлолга талпинган халқ номидан замона зўрларига киноя аралаш мурожаат қилиб, "Ўриндан озгина турсак майлиму?", "Ўз беким ерида юрсак майлиму?" дея гўё ижозат сўраб, шеър сўнгида уларнинг юзига қарата "Нега сиз бўлмайсиз сира хижолат? Нега мен сўрайман сиздан ижозат?!" деган эди. Буни қарангки, юртимиз мустақилликка эришгач ҳам бизга йўл-йўриқ кўрсатувчилар, ақл ўргатувчилар, йўлимизни тўсмоқчи бўлганлар ҳамон топилиб турибди.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг бояги рўйхатга Ўзбекистонни тиркашига, ҳар қалай, бизнинг юртимизда диний фундаментализм, дин ниқобидаги терроризмга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани, турли диний касталар, фирқалар томонидан аҳоли ўртасида бузғунчи тарғибот юргизилишининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилаётгани "асос материал" қилиб олинган. Бу сиёсатчилар назарида Ўзбекистон ҳукумати қўли қонга ботган террорчиларни, оғир жиноятлари туфайли қамоқда сақланаётган кимсаларни "диндор кишилар" деб билиши, улар томонидан уюштирилган хунрезликлардан кўз юмиб, бу жиноятларни "диний эркинлик"нинг бир кўриниши атаб, яна бунга қўшимча, бундай "эркинликни таъминлаши" ҳам лозим эди. "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр" дегандек, бу "демократик талаблар"нинг нақадар "мантиқийлиги", "беозорлиги"га эътибор беринг.

АҚШ департаментининг бу қилиғига ўз вақтида тегишли муносабат билдирган Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айни ҳаракатлар дунё ишларига "икки хил стандарт" билан ёндашиш экани таъкидланган. Чунки фақат ўз манфаатларини марказга қўйиб иш олиб боришга ўрганган бундай давлатлар айни бир ҳодисага бирда ундоқ, бирда бундоқ деб баҳо беришдан истиҳола қилмайдилар. Яъни, агар халқаро терроризм, диний экстремизм ҳужуми ўзларига қарши қаратилган бўлса, уни (дунёнинг қайси давлати ҳудудида жойлашган деб тахмин қилинишидан қатъи назар!) ер билан яксон қилиш учун барча чоралар кўрилади. Бу ишга катта-кичик бошқа давлатлар кучи ҳам сафарбар этилади. (Бундай таклифни рад этган мамлакатларни, ҳатто ўзига "душман давлатлар рўйхати"га киритиш ҳам улар учун чўт эмас.)

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

Сон Джу ХОНГ, Корея ислом федерацияси раиси:

— Биз неча-неча асрлардан бери кўплаб миллат ва дин вакиллари Ўзбекистон заминида ўзаро тинч ва аҳилликда яшаб келаётганини биламиз. Мамлакатингизда қайси миллат ва дин вакили бўлишидан қатъи назар барча фуқаролар учун бирдек ҳақ-ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Диний эътиқод эркинлиги таъминланиши юзасидан мамлакатда аниқ-равшан ютуқлар мавжуд эканига қарамай, Ўзбекистоннинг «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилиши, рости, мени ажаблантирди.

Ишончим комилки, мамлакат раҳбариятининг изчил сиёсати нафақат мамлакатда диний бағрикенгликни, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бундан кейин ҳам қўмаклашавераді.

ҲИНДИСТОНЛИК САНЪАТКОРЛАР МИННАТДОРЛИГИ

Мамлактимизда давом этаётган "Раж Капурни хотирлаб" Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик кечаси иштирокчилари пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган дўстлик кечалари ижодий учрашувлар, концертлар, жонли мулоқотларга бой бўлмоқда. Уларда ҳиндистонлик меҳмонлар — Раж Капурнинг фарзандлари, киноижодкорлар, созандаю хонандалар билан бирга ўзбек санъаткорлари ҳам иштирок этмоқда. Чунончи, бундай тадбирлар Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтди.

— Ўзбекистонга бундан ўн тўрт йил аввал ҳам келган эдим, — деди Раж Капурнинг ўғли, кино актёри — Рандхир Капур. — Ўтган вақт мобайнида мамлакатингизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдик. Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Мазкур сафаримиз асносида ўзбекларнинг самимий, меҳмондўст, бағрикенг халқ эканини яна бир карра ҳис этдик. Жаннатмонанд Ўзбекистонга, меҳридарё ўзбекистонликларга ихлосимиз янада ортди. Раж Капур оиласига Ўзбекистонда кўрсатилаётган чуқур эҳтиром учун Президент Ислом Каримов, халқингиз, санъат ихлосмандларидан беҳад миннатдормиз.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида ҳиндистонлик кино режиссёр Каран Жоҳарнинг «Ҳеч қачон алвидо деманг» бадиий фильми премьераси бўлди. Унда ҳинд кинематографиясини атоқли артист ва режиссёр Раж Капур ижодидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги таъкидланди.

Меҳмонлар ҳиндистонлик атоқли давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастрининг пойтахтимиздаги ёдгорлиги пойига ҳам гулчамбар қўйдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим омил бўлмоқда.

ОИВ/ОИТС пандемияси бугунги кунда дунёнинг барча давлатлари учун улкан ижтимоий ва иқтисодий муаммога айланган. Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёда ОИВ вирусини юқтирган одамлар сони 40,3 миллионга етган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мазкур иллатга қарши мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида 1 ноябрдан 1 декабргача бўлган муддатни ОИТСга қарши кураш ойлиги деб эълон қилган эди.

Қўмита матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу ойлик мобайнида саноат корхоналари, ташкилотлар, тураржойлар ва таълим муассасаларида ОИВ/ОИТСга қарши кураш мавзуларида учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. Давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳаллаларда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Плакатлар, альбомлар ва бошқа кўргазмали материаллар чоп этилди.

Қўмита томонидан "Ўзкўргазмасавдо" марказида ташкил этилган катта хайрия концертида мазкур танловнинг ғолиблари аниқланди. Тошкент шаҳридаги мурувват уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари таклиф этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва пойтахт вилоятлари вакиллари ғолиб деб топилди.

Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.

БУГУН ТОШКЕНТДА

2006 йил **5** декабрь

Темурийлар тарихи давлат музейида



«Нодир қўлёзмалар хазинасидан» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтади.

«Шодлик» меҳмонхонасида

Товар белгилари ва саноат намуналарига бағишланган уч кунлик халқаро семинар иш бошлайди.

Халқлар дўстлиги саройида

«Раж Капурни хотирлаб» Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик оқшоми ўтказилади.

«ЎЗБЕГИМ ДАВЛАТИН ҚУРСАК МАЙЛИМИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Худди ўша террорчилар, экстремистик гуруҳлар бошқа мамлакатларга, масалан, Ўзбекистон суверенитетига дахл қилса — бу юртда "халифалик давлати қурамиз", "барча кофирлар тиғдан ўтказилади" деган ғоялар билан очиқдан-очиқ ҳужумга ўтса ва бунга қарши ҳукумат зарур ҳимоя чораларини кўрса, бунинг номи "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш" уйғотиш деб аталади!

Биз бу ўринда, уларнинг айни қилиғига нисбатан "кишини ҳайрон қолдиради", "одамни таажжубга солади" деган ибораларни ишлатмоқчи эмасмиз. Чунки озгина чуқурроқ мушоҳадага ўрганган одам учун бу ерда ҳайрон қоладиган нарсанинг ўзи йўқ. Ўзбекистонда жамики диндор фуқаролар эътиқодига кўра эҳтиёжини қондириши учун барча қонуний шарт-шароитлар яратилганини бояги рўйхатни тузган жаноблар жуда яхши билишади. Улар яна шуни яхши билишадики, исломдек муқаддас дин айнан Ўзбекистонда ўзининг том маъносини топган, миллионларнинг қалб қувватига айланган. Мана шу ҳақиқат "рўйхат тузувчилар"га, юмшоқ қилиб айтганда, ёқмайди. Улар шу ҳолнинг мавжудлигидан — бизнинг юртимизда дунёвий давлат қуриш иши диний эътиқоднинг мустаҳкамланиши билан бирга олиб борилаётганидан, халқ ўзининг маънавий анъаналаридан воз кечмаётгани, бировнинг "демократик хўрозқандига" ёппасига ташланмаётганидан безовталар. Ўзбекистон Раҳбарининг бизнинг юртимизда **дунёвий давлат** қурилажаги, бироқ бу **даҳрий давлат** бўлмаслиги тўғрисидаги ғояларининг самарали амалга ошаётгани ҳали Ғарбдаги, ҳали Шарқдаги бузғунчи марказлар безовталигига сабаб бўляпти.

Бир неча марта миллатлараро, динлараро, фуқаролараро жанжалларни Ўзбекистон ҳудудида уюштиришга қаратилган режалар барбод бўлгач, унинг қўшни давлатлар билан алоқаларини чигаллаштиришга қаратилган ниятлар амалга ошмагач, энди боягидай рўйхатлар орқали Ўзбекистонни ислом дунёсига, мусулмон мамлакатларига ёмонотлиқ қилиб кўрсатишга зўр берилмоқда. Ҳолбуки, бу юртда ислом билан боғлиқ жамики қадриятлар кўз қорачиғидай асралаётгани, мустабид тузумлар даврида оғилхона-ю омборхонага айлантирилган муқаддас қадамжолар асрий ахлатлардан покланиб, мусулмонларга қайтарилгани, юзлаб янги масжидлар, ўнлаб исломий таълим-тарбия муассасалари барпо қилинганини бутун дунё кўриб, тан олиб турибди.

Шундай экан, бояги "рўйхатчилар"нинг муддаоси не? деган савол туғилиши табиий. Бу саволга холис мутахассис – хорижий исломшунос мулоҳазалари билан жавоб берамиз. Ар-риёд (Саудия Арабистони пойтахти)даги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетининг илмий тадқиқотлар департаменти бошлиғи Турки ибн ас-Сахув тили билан айтганда, ***"Ғарбдаги айрим давлатларнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, сўз ва эътиқод эркинлиги шиори остида амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари нафақат суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш, балки бу цивилизациялар ва динлар ўртасидаги ишончсизлик ва ғанимлик кайфиятини кучайтиришга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатдир".***

Бугун яна бир ҳақиқатни кўпчилик билиб қолди. Зўравон мамлакатлар бошқа давлатларга очиқдан-очиқ тажовуз этиш, уларнинг бойликларини тўғридан-тўғри эксплуатация қилиш усули ўрнига ғоят такомиллашган, нозик усуллар қўллаш йўлига ўтишган. Ўзларини негадир дунё халқларига устозлик қилишга лойиқ санаб қолган бу давлатлар бошқа мамлакатларда "инсон эркинликларига риоя қилинмаётгани", "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғонаётгани", у ерларда "нима қилиб бўлмасин, демократияни ўрнатиш лозим"лигини даъво қилиб чиқадилар. Бироқ

"Кўпдан буён кузатилаётган ҳақиқат шундан иборатки, нима учундир эркинлик ва демократияни одатда нефть ва газга бой давлатлар, минтақаларга ёйишга, ривожлантиришга зўр берилади. Нима учун эркинлик ва демократияни айнан Яқин Шарқда, Каспий минтақасида, нефтга бой мамлакатларда ривожлантиришга интилиш кучли? Нима учун?..

Ирокда уруш бошлаган айрим мамлакатлар бошқаларга ақл ўргатмасдан, у ерда ўзлари "демократияни ривожлантириш"да қандай усуллардан фойдаланаётганини ҳақида такрор ва такрор ўйлаб кўрса бўларди".

(Ислом Каримов. "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди". Т. "Ўзбекистон". 2005 й. 121-бет).

Модомики, ўша мамлакатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентининг бу даъватини гўё эшитмаганга олар, бошқаларга ақл ўргатишда давом этар экан, уларнинг ўзи "демократияни ривожлантириш"да, "инсон эркинлигини", жумладан, "диний эркинликни таъминлаш"да қандай усуллардан фойдаланаётганларини бироз ошкор этишга мажбур бўламиз.

ГУЛАГтанамо

Аввало, табиий равишда туғилган бир неча савол билан оппонентларимизга мурожаат қилсак: нима сабабдан Афғонистон, Ироқ, Ливан ва бошқа мусулмон давлатларида тинч аҳоли устига бомба ташлаётганлар, бегунохдан-бегуноҳ юз минглаб одамлар ўлимига сабабчи бўлаётганлар, худди бировни билмай туртиб юборгандек, бир оғиз узр билан қутулиб кетяптилар? Нима учун халоскорлик юриши баҳонасида не-не миллатлар биродаркушлик уруши оловига ташланяпти? Асосий савол: шу вақтга қадар ўзаро тинч-тотувликда, бир-бирининг эътиқод эркинлигига аралашмаган ва ягона дин вакиллари сифатида ўзаро ҳурматни сақлаган суннийлар ва шиалар ўртасида шафқатсиз жанглар чиқишига кимлар сабабчи бўляпти? Нега яқин-яқингача иттифоқчи ҳисобланган мусулмон давлатлари бир-бирига қарши тинимсиз гиж-гижланяпти?

Бу ҳодисалар суверен мамлакатлар ҳудудида ҳаракат қилаётган хорижий давлатлар ҳарбий кучлари, экспертлари, маслаҳатчилари иштирокида, уларнинг айби билан юз бераётган экан, мазкур саволларга жавоб топадиган халқаро текшириш гуруҳларини айнан шу жойларда тузиш мантиқли эмасмиди?

Афсуски, фақат биз эмас, бутун мусулмон дунёси, жаҳон афкор оммаси қайта-қайта ўртага қўяётган бу саволларга жавоб берадиган мард йўқ!

Афсуски, бунинг ўрнига дунё ҳамжамияти бир-биридан аянчли, шармандали манзараларни кузатишга мажбур бўляпти.

Масалан, Афғонистонда қўлга олинган юзлаб асирлар (уларнинг аксарияти мусулмон динига эътиқод қилишади!) Кубадаги АҚШ ҳарбий базаси — Гуантанамога келтирилганидан хабарингиз бор.

Бу ердаги асирларнинг яшаш шароитлари халқаро меъёрларга мутлақо тўғри келмаслиги, улар ҳайвондан-да баттар шароитда ушлаб турилгани кўплар томонидан қайта-қайта айтилмоқда. Обрўли халқаро сиёсий ташкилотлар маҳбусларнинг доимий равишда қўл ва оёқ кишанларида сақланиши, уларнинг қулоқларига овоз ўтказмайдиган тиқинлар ва кўзларига ҳеч нарсани кўрсатмайдиган кўзойнаклар тақилишини таъкидлайдилар. Улар АҚШ маъмуриятини Женева конвенциясига риоя қилмасликда айблаб, қўлга олинганларга ҳарбий асир мақоми берилишини талаб қиляптилар.

2002 йил 25 июнда АҚШ сенати мажлисидаги нутқида сенатор-демократ Ричард Дурбин Федерал тергов бюросининг ҳисоботидан Гуантанамода асирларни камеранинг тош полига занжирлар билан кишанлаб қўйилганлиги, жазирама иссиқ шароитида маҳбусларни сувсиз ва овқатсиз сақлагани тўғрисидаги маълумотларни ўқиб беради. "Агар, — дейди сенатор, — мен бу қабиҳликлар ФБР томонидан асирларга нисбатан амалга оширилаётганлигини айтмасам, сизлар бу ишлар фашист нацистлари томонидан ё советларнинг ГУЛАГида ёхуд Пол Потнинг шафқатсиз турмаларида қилинган бўлса керак, деб ўйлардинглар".

Сенаторнинг баёнотига жавобан, Оқ уйнинг матбуот котиби Скотт Маклеллан шундай эътироз билдиради: "Бу баёнот танбеҳга муносиб. Дурбиннинг гаплари Америка ҳарбийларига нисбатан ҳурматсизликдир. Шу боис, жаноб Дурбин айтган гаплари учун узр сўраши керак".

Унинг фикрича, демократик давлат ҳисобланмиш АҚШнинг ҳарбийлари томонидан амалга оширилган ишларни асло тоталитар режимларда қилинган ишлар билан солиштириб бўлмас экан.

Ричард Дурбиннинг сўнгги сўзи эса мана бундай бўлди: "Мен эмас, балки Женева конвенциясини оёқости қилганлиги ва қийноқ усулларига изн бергани учун Жорж Буш маъмурияти Америка халқидан кечирим сўраши керак..."

2005 йил 9 май куни "Newsweek" журнали номаълум манбага таяниб, Гуантанамо базасида Қуръони каримнинг ҳожатхоналарга қўйилгани ва Америка ҳарбийлари маҳбусларга руҳий босим ўтказиш мақсадида уни унитазга ташлаганини ёзди. Бу хабар дунё оммасига маълум бўлиб, кўпгина мусулмон мамлакатларида — Афғонистон, Покистон, Индонезия, Малайзия, Фаластинда қаршилик намойишларини келтириб чиқарди. Натижада, турли тўқнашувлар оқибатида АҚШ ҳарбийларидан 16 киши ўлиб, 100 дан ортиғи жароҳат олди. Орадан олти кун ўтгач, журнал ўз хабарига раддия эълон қилишга мажбур бўлди. Оқ уйнинг матбуот котиби Скотт Маклеллан бу мақола АҚШнинг жаҳон олдидаги имижига катта зарар етказганини таъкидлаб, уни гўё бўҳтон хабар эканини айтди. Бироқ мақола муаллифи Майкл Изикофф ўз навбатида бу раддияга нисбатан норозилик изҳор қилди. Хўш, у қандай асосларга таяниб Оқ уй билан олишди?

Биринчидан, ўша "номаълум манба" аслида АҚШнинг юқори рутбали давлат хизматчиси эди.

Иккинчидан, Ғарб ҳарбийлари томонидан мусулмонларнинг диний туйғуларини таҳқирлаш янгилик эмас. Гуантанамо, Абу-Грейб (бу масалага ҳали батафсилроқ тўхталамиз)...

Учинчидан, Гуантанамо турмасидан озод этилган маҳбус Хорун Рашид уч йил аввал Қуръонни ҳарбийлар унитазга улоқтирганини тасдиқлаб, орадан шунча вақт ўтса ҳам айрим маҳбуслар бу ҳаракатларга норозилик ифодаси сифатида терговчилар билан мулоқот қилишдан бош тортаётганини айтган.

Тўртинчидан, 2005 йилнинг 3 июнь куни (қорлар ёғиб, ялтироқ босилгач!) Пентагон илк бор Гуантанамода ҳарбийлар томонидан Қуръоннинг таҳқирланганлигини расман тан олди. Қамоқхона бошлиғи, бригада генерали Жей Худ Қуръондан "нотўғри фойдаланганлиги"нинг 5 ҳолати аниқланганини эътироф этди. Жумладан, ҳарбийлар маҳбуслардан бирига тегишли бўлган Қуръонни атайин тепганликлари, унга турли фаҳш сўзларни ёзганлари, уларнинг сўзлари билан айтганда, "айрим ҳолларда Қуръонга америкалик ҳарбийларнинг сийдиги сачраганлиги"ни эътироф этди... (Yahoo News маълумоти).

Қуръонни таҳқирлаш билан боғлиқ можаро ҳали тугамасиданоқ, мусулмонларни ҳўрлашлар ҳақидаги янги маълумотлар пайдо бўлди. Масалан, америкалик ҳарбий афғон ўсмирини ўласи қилиб калтаклагани учун хизматини... Ироқда давом эттирадиган бўлди. New York Times томонидан тўпланган 2000 саҳифалик (!) ҳисоботга кўра, бундай ҳуқуқбузарликлар шунчалик кўпки, уларни, маъмурият ҳаспўшлагандек, "хусусий ҳол" деб бўлмайди...

2001 йил 11 сентябрь воқеалари баҳонасида бошланган янги замон "салб юриши" муносабати билан АҚШнинг 100 нафар машҳур санъат ва адабиёт арбоблари, зиёлилари 2002 йилда ўз ватандошларига очиқ хат билан мурожаат қилиб, шундай ёзгандилар:

"Ҳукумат ҳеч қандай чекловларсиз уруш эълон қилиб, зўравонликнинг янги услубларини меъёрга айлантириб олганида америкаликлар мутлақо қаршилик кўрсатмадилар, деган таъна эшитмаслик учун Сизларга мурожаат қилмоқдамиз. Биз саволлар бериш ҳуқуқи, танқид қилиш ҳуқуқи ва қарши бўлиш ҳуқуқининг ҳимоя қилинишига ишонамиз. Биз 11 сентябрь воқеаларини даҳшат билан кузатдик. Лекин мотам тугамасиданоқ бизнинг раҳбарлар қасос олиш руҳиятини авж олдириб юбордилар. Ҳукумат 11 сентябрга ҳеч бир алоқаси йўқ мамлакат — Ироққа қарши урушга тайёрланяпти.

Биз бутун дунёга мурожаат қиляпмиз. Инсоният ўз тарихида кўп маротаба одамларнинг нимагадир ишониб кутиши натижасида қаршилик кўрсатишда кечикиб қолган... Биз бутун дунёдаги ҳамфикрларимизни сафимизга қўшилишга ундаймиз".

Гуманизм ҳимоячиси бўлган бу зиёлиларнинг қалб чинқириғини аэродромлардан учган минглаб қирувчи ва бомбардимончи самолётлар шовқини осонгина босиб кетди...

Энди Ироқ асирлари — яна мусулмонлар билан уларнинг ўз ватанида — Абу Грейб қамоқхонасида "томошалар" бошланди. Мана уларнинг бир лавҳаси:

"Ҳарбий полициянинг маҳбуслар билан муомаласида мен дуч келган онгли суиистеъмолчиликлар қуйидагилардан иборат:

a) маҳбусларни турли тарзда калтаклаш: тепиш, юзга уриш, яланғоч товонга зарба бериш;

b) қип-яланғоч қилинган маҳбус эркаклар ва аёлларни суратга ва видеотасвирга тушириш;

c) маҳбусларни жинсий алоқа кўринишидаги шаклга мажбурий тушириб ҳўрлаш;

d) маҳбусларни қип-яланғоч бўлиб ечинишга мажбур қилиб, шу ҳолда бир неча кун давомида юрдириш;

e) эркак маҳбусларни аёлларнинг ички кийимини кийиб юришга мажбурлаш;

f) ... (бу жинсий қийноқ усулини ёзишга юз чидамади);

g) яланғоч эркак маҳбусларни бир-бирининг устига мингаштириб, устидан ҳатлаш;

h) яланғоч қилинган маҳбуснинг қўл ва оёғи, жинсий аъзосини бир-галикда сим билан боғлаб ток юбориш;

i) қўриқчи томонидан аёл маҳбуснинг зўрланиши;

j) қўриқчи итларнинг тумшуғидаги ҳимоя воситасини олиб ташлаб, маҳбусларга қарши гиж-гижлаб, итни бўшатиб юбориш;

k) кимёвий ҳарбий фонарларни синдириб, унинг ичидаги суюқ фосфорни маҳбус юзига сепиш;

l) эркак маҳбусларни бесоқолбозлик қилиш билан қўрқитиш;

m) маҳбусларнинг жинсий аъзоларига пол ювгич (швабра) сопини ва фонарларни тиқиш..."

(Антонио Тагуба, Ироқдаги маҳбусларнинг аризалари бўйича суриштирув олиб борган АҚШ армияси генерал-майори. "Fox News. 12.05.2004.")

Модомики, гап инсон ҳуқуқлари, жумладан, мусулмонлар эркинлиги устида борар экан, яна бир масалага диққатингизни жалб этишни истардик. Эътибор бер-сангиз, АҚШда, гарчи барча фуқароларнинг қонун олдида тенг экани тўғрисида кўп гапирилса-да, масалан, бошқа дин вакилларидан фарқ қилароқ, жиноят қилган одамнинг мусулмон экани ҳар сафар алоҳида таъкидланади..

Ёки бу давлатда миллионлаб мусулмонлар истиқомат қилишига қарамай, Сенатга мусулмон одамнинг сайланиб қолиши саратонда қор ёққандек фавқулодда ҳодиса сифатида эълон қилинишини қандай изоҳлаш керак?

Бизнингча, мана шундай муаммоларни ўзида акс эттирадиган рўйхатлар тузиш бугун кўпроқ долзарбдир.



«БМТ уставига бирозгина таҳрир...»

XX аср охирига бориб, дунёдаги икки қутблик вазият парчаланган, АҚШ "жаҳондаги биринчи, ягона ва охирги" (З.Бжезинский ибораси) гегемон давлат ролига даъво қила бошлади. Бу давлат дунёнинг турли минтақаларида жойлашган мустақил мамлакатларнинг ички ишларига (улар АҚШ манфаатларига мутлақо дахл қилмаса-да) аралашишга ўзини ҳақли санай бошлади. Борган сари унинг "миллий манфаатлари" чегараси кенгайиб, ҳозир дунёнинг барча қитъалари дабдурустдан шу ҳудуд ичига кириб қолмоқда. Европагами, Осиёгами, Африкагами қўшин йўлланар экан, унга вазифа қилиб бу ерларда "Америка миллий манфаатларини ҳимоя қилиш" топшириляпти. Бу борада ҳозирда жуда урф бўлган янги бир усул қўлланиляпти. У ҳам бўлса, у ёки бу мамлакатга "демократия қадриятларини олиб бориш, ўрнатиш ва унга амал қилишни назоратга олиш". Жаҳон ҳамжамиятининг ҳамиятига тегаётган нарса — демократия деганлари нуқул танклар, ҳарбий кемалар устида, самолётлар, энг охирги русумдаги (синовдан ўтказилиши лозим бўлган!) даҳшатли ракеталар қанотида ташилмоқда. Бир сўз билан айтганда, урушларни "инсон ҳуқуқлари учун курашнинг ягона воситасига айлантириш иштиёқи тобора кучайиб бораяпти. Бу шундай урушларки, улар "ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлатлар" истаган пайтида, дунёнинг исталган нуқтасида, хоҳлаган қўламда амалга оширилади. Уларни, ҳеч бўлмаса, инсоният кўзи учун қонунлаштириб қўйиш мақсадида БМТнинг Уставига "озгина таҳрир" киритиш ҳам таклиф қилиняпти.

Уларнинг назарида, қабул қилинганига 60 йил бўлган бу ҳужжатни ҳозирги воқеликка мослаб таҳрир қилиш керак. Бояги урушларни қонунийлаштириб олиш учун бу ҳужжатга гўё "арзимаган ўзгартишлар" киритилади. Масалан, халқаро ҳуқуқ асослари: мустақил давлатларга қарши куч ва таҳдид ишлатмаслик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, чегаралари дахлсизлигини бузмаслик ва суверенитетини ҳурмат қилиш сингари принципларни "бироз" ўзгартириш. Бу билан айнан давлатлар суверенитетига кучли зарба берилади: уларни ўзлари хоҳлагандек яшаш ва давлатини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Яъни, агар сизнинг сиёсий тизимингиз демократиянинг ғарбона бичимларига мос келмаса, унда ўзингиздан ўпкаланг.

Шу тарика "коллектив хавфсизлик" принципи, "халқаро ҳуқуқ" тушунчалари емирилади, улар ўрнини ихтиёрий мазмунда талқин этиш мумкин бўлган тушунчалар билан алмаштиришга замин яратилади.

У ёғини суриштирсангиз, айрим давлатлар БМТ ҳужжатларига ўзгаришу таҳрирлар киритилишини кутиб ўтиришни ҳам ўзларига эп кўришмади. Ҳали у, ҳали бу мамлакат ҳудудига демократия байроғи остида, унинг номи билан бостириб кирилди. Бу юртларнинг шундоқ ҳам мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда яшаётган халқлари чексиз-чегарасиз қонунбузарликлар, хўрлашлар ва харобаликлар остида қолди. "Ҳуқуқ ҳимоячилари" қаерга қадам қўйган бўлсалар, ўша ерларда энди охири кўринмайдиган биродаркушлик урушлари, динлараро, мазҳабларо ўта хавфли, захаси юз йилларгача битмайдиган зиддиятлар олови ёқилди. Масалан, ушбу мақола ёзилаётган пайтда олинган аниқ маълумотни кўрсак, биргина Ироқда фақатгина октябрь ойининг ўзида 1 минг 289 нафар тинч аҳоли вакиллари — ҳеч қандай айби йўқ инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди!

Урушлар олови ичида қолган мамлакатларнинг, улар қайси қитъада жойлашганидан қатъи назар, иқтисодий, маданий, маънавий такомил суръатлари ўнлаб йиллар орқага суриб ташланди. Такомил қайда, аксинча, масалан, Европанинг қадим маданиятини ўзида мужассам этган собиқ Югославия ҳудудидаги минглаб маданий иншоотлар ер билан яксон қилинди.

Хўш, демократия, инсон ҳуқуқлари бу урушлар бошлангунига қадар кўпроқ бузиларми ёки улар туфайли кўпроқ топталяптими?

Хўш, бу кўргуликларнинг барчаси учун ким жавоб беради? Устма-уст юз бераётган қонунбузарликларни текшириш учун қачон халқаро комиссиялар тузилади? Бундай комиссияларни ёки "инсон эркинлигини таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" рўйхатини тузиш шу кўргуликларнинг бошида турганлар қўлига топширилиши қанчалар адолатли бўлади? Бу борада, афсуски, юқоридаги таъкидланганидек, инсоният кўнглида дард бору дармон йўқ...

Бжезинскийни аразлатишди

2005 йилнинг 10 октябрь куни АҚШлик машҳур сиёсатшунос олим, жаҳон сиёсий шахмат тахтасидаги ўйинларнинг моҳир гроссмейстери Збигнев Бжезинский "Los Angeles Times" газетасида катта шов-шувга сабаб бўлган мақола эълон қилди. Бу мақола "Америка ҳалокатга учрамоқда" деб номланади. "Бундан 60 йилча муқаддам Арнольд Тойнби (инглиз тарихчиси), — деб ёзади З.Бжезинский, — ўзининг "Тарихни тадқиқ қилиш" китобида "ҳар қандай империянинг юз-тубан қулашига, охир-оқибат, ўша империяни бошқарган одамларнинг "жонига қасд қилиш" билан баробар ҳаракатлари сабаб бўлади" деганди. Таассуфки, Жорж Буш фаолиятига, Америка келажагига ва АҚШ раҳбариятининг 11 сентябрь воқеаларидан кейинги тутган йўлига, тарихий нуқтаи назардан ёндошсак, қанчалик шафқатсиз ҳукмдек туюлмасин, юқоридагидек баҳони беришдан бошқа иложимиз йўқ".

З. Бжезинский АҚШнинг Ироқдаги ҳаракатларини "Буш томонидан сафсатавий иддаолар билан бошланган уруш" сифатида баҳолаб, фикрларини қуйидагича давом эттиради: "Нима сабабдан бошлангани ҳануз номаълум бўлган, мамлакат юқори мартабали раҳбарларининг тор гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда ёлғон даъволар ва сўз ўйини шаклида тарғиб қилинган бу уруш, инсоний йўқотишлар ва моддий харажатлар нуқтаи назаридан, кутилганидан ҳам қимматга тушмоқда. Шу уруш туфайли Америка бутун дунёда танқидга учраяпти".

Олимнинг фикрича, АҚШ маъмурияти терроризмнинг туб сиёсий илдизларини эътиборга олмай, "террорчиларни ҳаракатга ундаётган асосий нарса уларнинг эркинликдан нафратланишлари ҳамда бутун Ғарб цивилизациясига қарши эканликлари" дея америкаликларни ишонтиришга уринмоқда. Бу эса ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас...

Бундай сиёсий ўйинлар АҚШнинг жаҳондаги нуфузи тобора тушиб боришига сабаб бўляпти. Шундай манзара, ниҳоят, ошкор бўлмоқдаки, йиллар давомида сиёсий қатағонлар, қийноқлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши гапираётган давлатнинг ўзи бугун кўп жойларда инсоннинг қадр-қимматини поймол қиладиган усулларни кенг қўллаяпти. Гуантанамо ва Абу-Грейбдаги ҳуқуқбузарликларни бу ҳодисалардан аччиқланган маъмурият эмас, балки холис оммавий ахборот воситалари фош этдилар. Натижада, айрим бевосита айбдор деб топилганларгина жазога мустаҳиқ бўлдилар. Аммо, "босим остида сўроқ" қилишга (яъни, қийноққа!) рухсат берган Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик кенгашининг раҳбариятидан бирор киши, истеъфо ёки жиноий жавобгарликни қўятуринг, ҳатто кўпчилик олдида жавоб ҳам бермади..."

Хотима

2006 йилнинг 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини эълон қилди. Мазкур қарорнинг 5-бандида ўқиймиз:

"Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин".

Айрим давлатлар турли баҳоналар билан хорижий мамлакатларнинг минглаб фуқароларини айб ҳам эълон қилмасдан йиллар давомида яширин турмаларда сақлаётган бир пайтда, Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг бағрикенглиги ва кечиримлилигини яна бир бор амалда кўрсатди.

Ушбу мақолада келтирилган аниқ фактлар асосида шоҳиди бўляпмизки, бугун айрим ўйрик мамлакатлар халқаро майдондаги ҳар турли ҳаракатларига "давлатимизнинг миллий манфаатлари тақозоси" деган зеб беришни одатий ҳолга айлантирмоқдалар. Ҳолбуки, улар ҳаракат қиляётган, ҳаракат қилмоқчи бўлган ҳар қандай жойнинг ўз эгалари — миллатлар ва халқлар борлигини, уларнинг ҳам ўз фикру қараши, миллий манфаатлари мавжудлигини гўё ёдларидан чиқариб қўйишади. Кейинги йилларда юз бераётган ҳодисалар бизнинг юртимизни ҳам кимлардир тубан манфаатлари йўлида қурбон қилишни, тинч ва осойишта ҳаёт кечираётган халқимиз бошига туганмас кулфатлар солишни жиддий режалаштираётганидан дарак беради. Бас, шундай экан, Президентимиз таъкидлаганидек, тақдиримиз ўзгалар қўлида ўйинчоқ бўлишига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқлигини, бу юртда ўзимиз хоҳлаган давлатни қуриш фақат ва фақат ўзимизнинг қўлимизда эканини чуқур англаяпмизми? Биз учун эртанги келажакни хориждан келиб кимлардир қуриб бермаслиги, ҳар кунги онгли ҳаракатимиз билангина орзу-умидларимизга эришишимиз мумкинлигини, ниҳоят, тушуниб етамизми?

Агар биз, келажакда ҳам дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси деган давлат мустаҳкам туришини, бу мамлакат ўз салоҳияти, обрў-эътибори билан бошқаларнинг ҳавасини келтиришини, кўпмиллатли халқимиз ўртасида меҳр-мурувват, ор-номус, эътиқод, ғурур туйғуларининг оҳори сақланиб қолишини истасак, айни мақсадларни ўз умрининг мазмунига айлантирган Инсон — Юртбошимиз атрофида ҳар қачонгидан кўпроқ ва кучлироқ жипслашишимиз лозим!

Улуғбек ЖАМШИД ўғли.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИЖОБИЙ БАҲОЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Франция собиқ вазири, амалдаги ҳукумат тепасида турган «Халқ ҳаракати учун Иттифоқ» партияси раисининг дипломатия масалалари бўйича маслаҳатчиси Оливье Стирн қуйидагиларга эътибор қаратди:

— Бир неча ой муқаддам мен бугунги кунда сиёсий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистонда бўлган эдим. Кўпфикрлилик доирасида сиёсий муаммоларда ўз нуқтаи назарларини ифода этиш имконига эга бўлувчи сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳалари мамлакат ўз келажагига янгича қараётганининг белгисидир. Мен Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Ўзбекистондан ибрат олишларини жуда истар эдим.

— Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллиги муносабати билан умумхалқ муҳокамасига қўйилган янги қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси келажаги учун айниқса муҳим эканини алоҳида қайд этмоқчиман, — дейди **Франция Миллий Ассамблеясининг «Франция-Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳи бош котиби Ж. Батистини**.. — Бу ҳужжатлар мамлакатнинг мавжуд барча салоҳиятини ҳаракатга келтира оладиган марказий механизмдир. Шу маънода, Ўзбекистон фуқароларининг давлат раҳбарияти томонидан белгиланган мақсадларга тўла содиқлиги ва уларга бўлган интилиши муваффақият калитидир. Мен барчани Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилган янги қонунлар лойиҳаларини ислоҳотларни амалга ошириш ва мамлакат томонидан белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кучларни сафарбар этишдаги ютуқнинг гарови сифатида қабул қилишга чорлайман. Шунингдек, Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарида келажак йўналишларини бениҳоя аниқлик билан белгилаб берган.

Бу бугунги кунда Ўзбекистонда кузатилаётган барқарор ҳаётни таъминлашда, шунингдек, мамлакат келажагини қуришда фундаментал аҳамиятга эгадир. Ушбу китоб минтақада яхши қўшничилик сиёсатини амалга ошириш ва мамлакат гуллаб-яшнаши қўлланмасидир.

Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман ва ҳар галги ташрифимда у ўзбек халқининг донолиги, бой тарихи ва маданияти, ажойиб миллий анъаналари билан мени лол қолдирган, — дея қайд этди **Франс-Конверсия компанияси бош котиби Ф. Бергис**. — Ўзбекистоннинг изчил сиёсати тамойилларини билганим ҳолда мамлакат катта ютуқларни қўлга киритишига ишончим комил. Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар борасида Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсатнинг мулоҳазали эканини ҳам қайд этишни истар эдим.

Ҳарбий эксперт сифатида мен Марказий Осиё манфаатлар тўқнашуви ҳудудига айланиши мумкинлигини ҳамда айрим қудратли давлатларнинг мамлакатингизга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишини ўша вақтдаёқ англаб етган эдим. Ўзбек халқи барқарорликка эришиш юзасидан узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон томонидан хавфсизликни таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар Ғарбда кўпинча номутаносиб тарзда қабул қилиниб, талқин этилмоқда. Президент Ислом Каримов асарини ўқиб чиққач, мен Ўзбекистоннинг ўз олдидаги мақсадларига эришиш сари йўналтирилган сиёсати қатъий ва ўзгармас эканини яна бир бор ҳис этдим. Китобнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланиши чуқур мазмунга эга эканини алоҳида қайд этмоқ керак. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимдек, айрим кучлар ёт мафкурани сингдириш орқали мамлакат ва, умуман, минтақадаги вазиятни беқарорлаштиришга уринмоқда. Китобни ўқиб чиқиб, мамлакат олдига қандай мақсадлар қўйилгани ва Ўзбекистоннинг уларга эришишига қандай кучлар тўсқинлик қилаётганини тушуниб етиш мумкин.

«Жаҳон» АА.
Париж.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШ Куба раҳбарияти билан музокаралар ўтказишга рози эмас. Мамлакат давлат департаменти вакили Жанел Хиронимус бу ҳақда маълум қилар экан, Куба ҳукумати биринчи галда давлат бошқарувини демократлаштириши лозим, деди. 2 декабрь куни Куба мудофаа вазири Раул Кастро Оқ уйни музокараларни бошлашга чақирган эди. Бунга жавобан АҚШ Давлат департаменти шундай баёнот билан чиқди.

Фиджида давлат тўнтариши амалга оширилди. Мамлакат ҳарбийлари ҳукуматни кучсизлантириш мақсадида полиция ходимларини қуролсизлантирди. «ИТАР — ТАСС» ахборот агентлигининг хабарида келтирилишича, ҳарбийлар мамлакатдаги барча қурол-яроғ омборларини эгаллаб олишган. Бироқ шунга қарамасдан мамлакат бош вазири Лайсениа Карасе радио орқали чиқишида ҳукуматни ўз қўлида сақлаб қолганини эълон қилди. У мамлакат куролли кучлари қўмондонлиги билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўтган ҳафтада Филиппинга тайфун бостириб келганди. Мамлакатда юз берган сув тошқини ва ер кўчиши оқибатида 1000 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган. Уларнинг аксарияти дом-дараксиз йўқолган. Айни пайтда Филиппинга халқаро ташкилотлар томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бошланди. Мамлакатда озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари тақчиллиги сезилмоқда. Япония, Индонезия ва Малайзия уч миллион долларлик ёрдам кўрсатди. Дастлабки маълумотларга кўра, 28 минг аҳоли уй-жойсиз қолган.

Шимолий Корея ҳудудида кучли портлаш содир бўлди. Бу ҳақда Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги маълум қилди. Вазирлик келтирган маълумотга кўра, портлаш сабаблари аниқ эмас, лекин воқеа икки мамлакат ўртасидаги демилитаризация қилинган ҳудудда содир бўлган. Бироқ Россия сейсмологлари портлаш рўй берганини қайд этмадилар. Расмий Пхеньян бу воқеага ҳозирга қадар изоҳ бергани йўқ.



БМТ Бош котиби Ироқдаги вазиятдан хавотирда. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирда аҳолининг турмуш тарзи Саддам Ҳусайн давридагидан ҳам оғир. У бутун дунё мамлакатларини Ироққа ёрдам беришга чақирди. Эслатиб ўтамиз, Кофи Аннан жорий йил 31 декабрдан эътиборан истеъфога чиқади. Унинг ўрнини Жанубий кореялик Пан Гу Мун эгаллайди.

Венесуэлада президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатнинг амалдаги президенти Уго Чавес ўз рақибларидан кўп овоз тўплаб, учинчи бор давлат раҳбарлигига сайланди. Дастлабки маълумотларга кўра, сайловчиларнинг 60 фоиздан кўпроғи Уго Чавесга овоз беришган. Унинг асосий рақиби Мануэль Росалес 40 фоизга яқин овоз тўпладди. У ўзининг мағлубиятга учраганини расман тан олди.

АҚШнинг собиқ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Жорж Буш маъмуриятининг Ироқда юритаётган стратегик сиёсатига шубҳа билдирди. Бу ҳақда «Нью-Йорк таймс» газетаси Рамсфельд истеъфога чиқишига икки кун қолганда Ироқ масаласидаги ўз фикрларини баён этиб ёзган хатига асосланиб хабар тарқатди. Унда айтилишича, айни пайтда Ироқда олиб борилаётган Буш сиёсати кутилган натижани бермайди, унга жиддий ўзгартиришлар киритиш лозим.

Боливияда газ конларини давлат ихтиёрига ўтказиш жараёни ниҳоясига етказилди. Мамлакат президенти Эво Моралес хорижий энергетика компаниялари устидан ҳукумат томонидан назорат қилиниши тўғрисидаги келишувга имзо чекди. Моралес ҳукумат билан ҳамкорлик қилмаган чет эл компанияларини мамлакатдан чиқиб кетишга чақирмоқда. Ҳукумат шу йўл орқали қашшоқликка қарши курашмоқчи. Айни пайтда Боливия минтақада табиий захиралар кўплиги жиҳатидан Бразилиядан кейин иккинчи ўрнида туради.

Россия Президенти 2006 йил учун федерал бюджет харажатларини 160 миллиард 962,1 миллион рублга кўпайтирди. Бу ҳақда РИА «Новости» мамлакат президенти матбуот хизматидан олинган хабарга асосланиб хабар тарқатди. Унинг асосий қисми мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Ҳозирда давлат бюджетининг умумий даромади 6 триллион 170 миллиард 484,6 миллион рублни ташкил этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Спорт

ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР

Александр Гейнрих томонидан киритилган ягона гол ўзбекистонлик футболчиларнинг иккинчи ғалабасини таъминлади. Гап нима ҳақда кетаётганлигини англагандирсиз.

Шу кунларда Қатар пойтахти Дохада XV Осиё ўйинлари қизғин паллага кирди. Осиё ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳсида ҳамюртларимиз чорак финал масаласини деярли ҳал қилиб улгуришди. Бунинг учун улар бугун учинчи турда Иордания футболчилари билан дуранг ўйнашса кифоя. Қатар терма жамоаси билан кечган иккинчи турда йигитларимиз биз кутган даражада ўйин намойиш этдилар, деб бемалол айтиш мумкин. Янада йирик натижа қўлга киритилиши мумкин эди. Иккинчи бўлимда Нодирбек Қўзибоевнинг кучли зарбасини дарвоза тўсини қайтариб қолди, Марат Бикмаев эса дарвозабон билан яккама-якка вазиятдан унумли фойдалана олмади. «А» гуруҳидаги иккинчи БАА — Иордания учрашувида 1:1 дуранг натижа қайд этилди. Иккинчи турдан сўнг гуруҳда Ўзбекистон футболчилари 6 очко жамғариб, пешқадамлик қилмоқда. Қатар футболчилари ҳисобида 3 очко бор. БАА ва Иордания жамоалари 1 тадан очко жамғаришган. Қолган гуруҳларда қайд этилган натижалар билан танишинг: «В» гуруҳи: Баҳрайн — Бангладеш 5:1, Жанубий Корея — Вьетнам 2:0. Ушбу гуруҳда Жанубий Корея ва Баҳрайн жамоалари 6 тадан очко тўплаб, кейинги босқичга чиқишга даъвогарлик қилишмоқда. «С» гуруҳи: Қирғизистон — Таиланд 0:2, Кувайт — Фаластин 2:0. Бу гуруҳда Кувайт ва Таиланд терма жамоалари 6 тадан очко жамғаришган. «D» гуруҳи: Ҳиндистон — Мальдив ороллари 2:1, Гонконг — Эрон 1:2. Гуруҳда Эрон жамоаси 6 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда бораётган Ҳиндистон футболчилари ҳисобида 4 очко бор. «Е» гуруҳи: Малайзия — Хитой 1:3, Уммон — Ироқ 0:2. Гуруҳ ғолиблигига асосий даъвогар Хитой футболчиларида 6 очко бор. Ироқ ва Уммон футболчилари 3 тадан очко жамғаришган. «F» гуруҳи: Сурия — Япония 0:1, КХДР — Покистон 1:0. Гуруҳ жадвалини Япония футболчилари 6 очко билан бошқариб боришаяпти. КХДР футболчилари 4 очко билан иккинчи ўринда бораяпти.

Эслатиб ўтамиз, фақат гуруҳ ғолиблари ва яхши кўрсаткичга эга бўлган иккита иккинчи ўрин соҳибигина кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритади. Кўриниб турибдики, қолган икки йўлланмани қўлга киритиш ҳам осон кечмайди.

Энди XV Осиё ўйинлари дастуридан жой олган бошқа спорт турлари ҳақида. Терма жамоамиз ҳисобига илк медалларни дзюдочиларимиз келтиришди. Абдулла Тангриев, Рамзиддин Саидов ва Ўткир Қурбоновлар ўз вазн тоифаларида бронза медаллари соҳиби бўлишди. Бокс мусобақасида Баҳодир Султонов (57 кг вазн тоифасида) малайзиялик Эдди Қалайни 24-4 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга чиқди. Шахмат беллашувларида етинчи тур учрашувлари ортда қолди. Вакилларимиздан Алексей Барсов 4, Рустам Қосимжонов эса 4,5 очко жамғарган. Ольга Собирова ҳисобида ҳам 4,5 очко бор. Афсуски, ҳозирча қолган спорт турлари бўйича вакилларимиз кутилган натижаларга эриша олмаяптилар. Ўқ отиш бўйича саралаш мусобақаларида Вячеслав Скромнов 8-ўринни, Дилшод Мухторов эса 5-ўринни эгаллади. Сузиш бўйича эришилаётган натижалар билан ҳам мақтаниб бўлмайди. Олег Ляшко 100 метрга батерфляй усулда сузиш бўйича 11-ўрин, Мафтунабону Тўхтасинова 200 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича 13-, Юлдуз Кўчқорова шу масофага чалқанча усулда сузиш баҳсида 14-ўрин билан кифояланди. Темур Эргашев 200 метрга эркин усулда сузиш баҳсида 5-ўриндан жой олди. Шу масофага эркин усулда сузиш баҳсида яна бир вакилимиз Петр Васильев 18-ўринда қолиб кетди. Спорт гимнастикаси беллашувларида Татьяна Гайфулина 17-, Анна Нинкова 15-ўриндан жой олди. Оғир атлетика баҳсларида Елена Сисоева ўз вазн тоифасида 7-ўринни эгаллади.

Мусобақалар давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Умуммамлакат марафони

Жиззах

Жиззах вилояти ҳудудига кириб келган умуммамлакат марафони иштирокчилари орасидаги Маратнинг қувончи чексиз эди. Негаки, марафоннинг олдинги сафларида югуриб келган Маратни юзлаб ҳамюртлари қучоқ очиб, карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди.

— Ангрен шаҳридан югуришни бошлагандик, — дейди у ғурур билан. — Қамчиқ довонидан ошиб келган тенгдошларим, катта-кичик ёшдаги марафончилар билан тезда дўстлашиб олдик. Биринчи бор бундай оммавий югуришда қатнашяпман.

Заргарлик маҳалласида истиқомат қилувчи Марат Турмуҳамедовнинг ёнига шаҳарнинг Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчасига етиб келишганида яна ўнлаб маҳалладошлари қўшилди. Улар фавворалар мажмуасигача бўлган 2,5 километрлик масофани ҳамжиҳатлик билан, биргаликда босиб ўтишди.

Кечқурун республика Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат марафони иштирокчилари шарафига байрам дастурхони безалди. «Гулистон — Жиззах» оралиғидаги босқичда ғолиб, деб топилган марафончилар тақдирланди.

Самарқанд

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган умуммамлакат оммавий югуриш марафони қатнашчилари қадимий Самарқандга етиб келишди.

Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрен — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Хива ҳамда Термиз — Шаҳрисабз — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Хива йўналишларидаги спортчилар кўҳна шаҳарнинг Регистон майдонида учрашишди. Бунгача улар Самарқанднинг рамзий дарвозалари Жом қишлоғи ва Юқори нуқта ҳудудларида кутиб олинганди. 240 нафардан ортиқ марафончиларни Самарқанд шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Суҳроб Рафиқов, вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим бошқармаси бошлиғи Муродулла Холмуҳаммедов ва бошқалар муборакбод этишди. Шундан сўнг марафончилар Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси»га 2007 йил учун
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
Ахборотнома саҳифаларида йил давомида:
- хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолияти ҳамда хўжалик ишларини судларда кўриш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари;
- Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари, кассация инстанцияси қарорларидан кўчирмалар;
- хўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва иқтисодий судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.
Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 367-91-66, 367-96-60.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯГОНА РАСМИЙ ДИЛЕР
Тошкент шаҳридаги омборхонадан тақдим этади
«СКАД» РУСУМЛИ ҚУЙМА АЛЮМИН ДИСКАЛАРИ
(Красноярск)
Манзил: Ўзбекистон, Тошкент, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс: (998 71) 191-74-63.
Тўлов — пул ўтказиш ёки нақд пул билан.
Маҳсулот сертификатланган.

«Unitel» компаниясининг тариф режаларига эга абонентларнинг «Билайн» платформасига кўчиб ўтиши

«Билайн» савдо белгиси остида хизмат кўрсатаётган «Unitel» компанияси «Unitel» тариф режаларига эга абонентларининг янги биллинг тизимига кўчирилиш жараёни бошланганлигини эълон қилади. Бу аввалги биллинг платформасида «Юнител» тариф режаларидан фойдаланаётган абонентларнинг янги биллинг платформасига босқичма- босқич ва автоматик равишда ўтказилиши демакдир.

Миграциянинг биринчи босқичи 2006 йил 10 декабрь соат 00:00 да бошланиб, шу йилнинг 17 декабригача бўлган давр оралиғида бўлиб ўтади.

Биринчи босқичда янги биллинг платформасига қуйидаги талабларга жавоб берадиган абонентлар кўчирилади:

- Битта телефон рақамига эга жисмоний шахслар.
- Ўз шартномасида кафиллик битимига эга бўлмаган абонентлар.

Қуйидаги тариф режаларидан бирига эга бўлган абонентлар:

Universal
Universal Plus
Universal Start
Universal Лайт
Universal Флай
Active
Комфорт

- GPRS хизматини ёқтирмаган абонентлар.
- Ҳисобида етарли маблағ бўлган абонентлар.

Кўчирилаётган абонентлар учун афзалликлар

Янги биллинг платформасига ўтиш жараёнида абонентлар янги қулайликлар ва қўшимча хизматларга эга бўлиш билан бирга, ўз телефон рақамларини сақлаб қолган ҳолда, «Билайн» савдо белгиси таклиф этаётган тариф режасидан исталган бирини танлаш имконини қўлга киритадилар.

Абонентлар реал вақтда ўз ҳисобларининг ҳолатини назорат қилиш имконини берувчи «бир зумлик биллинг»ни баҳолай олишлари ҳамда ўз ҳисобларида маблағ тугагунга қадар алоқа хизматидан фойдаланишлари мумкин.

«Жонли ноль» хизмати ҳам «Билайн»нинг афзалликларидан бири ҳисобланади. Бунда абонентлар «электрон» ҳисобдаги маблағ бутунлай тугаганда ҳам, яъни баланс ноль бўлган ҳолатда 60 кун мобайнида тармоқ ичидаги кириш қўнғироқларини ва SMSларни қабул қила оладилар.

Халқаро роуминг хизмати ҳисобда 50 $ маблағ бўлганида ишга туширилади.

Кўчиб ўтаётган абонентлар учун хизмат кўрсатишдаги чеклов ва ўзгаришлар

Universal Лайт ва Universal Флай тариф режасидаги абонентлардан ташқари юқорида келтириб ўтилган тариф режаларидан фойдаланувчи кўчиб ўтган абонентлар, кўчиб ўтиш жараёнидан сўнг, Universal Start тариф режасига ўтказилади.

Universal Лайт ва Universal Флай тариф режалари янги биллинг тизимига ҳеч қандай ўзгаришсиз ўтказилади, бироқ ўчирилган ҳолатдаги Universal Лайт ва Universal Флай тариф режалари Universal Start тариф режасига ўтказилади.

Кўчиб ўтган абонентлар фақат «Билайн» тўлов карталари орқали ўз ҳисобларини тўлдиришлари мумкин. Улар «Unitel» тўлов карталаридан фойдалана олмайдилар.

Аввал Анти-АОН хизматини ёқтирган абонентлар кўчиб ўтгандан сўнг ҳам ушбу хизматга абонент тўловисиз эга бўладилар. Агар келгусида бундай абонент «Билайн» савдо белгисининг тариф режасига ўтса, Анти-АОН хизмати амалдаги нархномага мувофиқ баҳоланади.

Севимли рақамлари халқаро форматда бўлмаган абонентлар кўчирилишидан аввал ўз севимли рақамларини қайта текшириб, уларнинг халқаро форматда (+<мамлакат коди><худуд, тармоқ ёки шаҳар коди,><телефон рақами>) сақланаётганлигига ишонч ҳосил қилишларини маслаҳат берамиз. Акс ҳолда, севимли рақамларга амалга оширилган қўнғироқ оддий қўнғироқ кўринишида баҳоланади.

«6 ой давомида ҳар ой 100 тадан бепул SMS » акцияси қатнашчилари кўчирилиш амалга оширилгандан сўнг ушбу акциядан қолган бепул SMSларидан чекланмаган давр мобайнида фойдаланишлари мумкин.

SMS-Chat ва SMS- E mail хизматлари тақдим этилмайди.

Кўчирилган абонентлар ўз ҳисобларига нақд пул маблағларини фақатгина «Билайн» абонентлари тўловлари қабул қилинадиган компания офислари ҳамда дилерлик офисларида тўлашлари мумкин.

«Unitel» компаниясининг қолган тариф режаларига эга абонентлар учун хизматлар ўзгаришсиз кўрсатилади.

Кўчирилиш жараёнининг кейинги босқичлари ҳақида қўшимча хабар берилади.

Абонентлар 0611 телефон рақами орқали қўшимча маълумот олишлари мумкин.

Билайн™
ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«KAFOLAT RIELT» МЧЖ
томонидан 2006 йил 14 ноябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоларида Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шоҳрухобод кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган «Улуғбек» акциядорлик жамиятининг ташқи бошқарувчиси томонидан тақдим этилган «Улуғбек» акциядорлик жамиятига тегишли молмулки (мулкий мажмуа сифатида) 1 118 580 000 сўмга ва Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 60-уй манзилидаги тугатилаётган «Yulduz» ОАЖга тегишли асбоб-ускуна ва дастгоҳлар (қисми) 12 629 534 сўмга сотилганлигини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-70.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ёшлар — келажагимиз

Тўрақўрғон тумани шаҳар ва қишлоқларида бугун 30 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Жойларда тинчлик-хотиржамликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга сафарбар этилган бу тузилмалар вояга етмаганлар билан ишлаш борасида ҳам муайян тажриба орттирган. Масалан, Шаҳанддаги марказий таянч пункти қошида ташкил этилган спорт клубининг довруғини бутун вилоятда билишади.

ТАЯНЧ ПУНКТИГА ТАЯНИНГ

Икки минг тўртинчи йили Атлантада ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашган юртдошларимиз орасида шаҳандлик Аъзамжон Мирзааҳмедов ҳам бор эди. Ушанда каратэнинг кумитэ баҳсларида ўз вазн тоифаси бўйича иккинчи ўринни эгаллаган йигитча маҳорат сабоқларини қишлоқдаги оддийгина спорт клубида олган эди. Абдужаббор Тожибоев мураббийлик қилаётган мазкур клубнинг иш бошлаганига ўн йилдан ошди. Шу йиллар ичида қишлоқнинг бўз болалари орасидан турли даражадаги ўнлаб чемпионлар етишиб чиқди.

Ҳудудда ўттиз мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Катта қишлоқнинг ташвишлари ҳам шунга яраша. Бошқа жойлардаги сингари болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бу ерда ҳам ота-оналар ва таълим-тарбия муассасалари диққат эътиборида. Ахир, фуқароларнинг салкам ярми, аниқроғи 13700 нафари вояга етмаганлардан иборат-да. Яхшики, мактабларнинг барчасида спорт майдонлари, қишлоқнинг эса мўъжазгина бўлса ҳам стадиони, қолаверса, юқорида таъкидлаганимиз, милиция марказий таянч пункти қошидаги спорт клуби бор. Дарслар тугадими, ўғил-қизларнинг кўпчилиги шу масканларга шошиб қолишади. Биров тўп тепган, бошқаси волейбол, қўл тўпи, шахмат-шашка билан овора. Одамларнинг хурсанд бўлгани, ўғил-қизлари жисмоний чиниқиш билан банд. Чунки, аввалари бу ерда ҳам саёқ юриш, урушжанжални касб қилиб олган болалар анча-мунча бор эди-да. Бундайларни ота-оналар, мактаб жамоаси, участка профилактика нозири бир бўлиб тўғри йўлга бошлашди, бирини ишга, бошқасини касб-ҳунар ўрганишга, учинчисини спортга тортишди.

Тарбияси оғир болалар асосан ноаҳил оилалардан чиқади. Ермасжид маҳалласида яшовчи Жалолиддин Боқиев ота-онаси ажрашиб кетгандан сўнг бир муддат назоратсиз қолди, кўнгилга келган ишни қилиб, кўча кезишга одатланди. Орада милицияга тушди. Одатдагидек, уни таянч пунктида рўйхатга олишган заҳоти кўнгилга қўл солиб кўришди. Участка нозири англадики, болани биров туртиб, бошқаси жеркиб бераверганидан у атрофдагилардан ётсираб қолган. Бу тоифадагиларга, аввало, озгина меҳр, илиқ гап керак. Оталарча суҳбат давомида Жалолиддин каратэга иштиёқи борлигини айтиб қолди. Унга мактабдаги дарслардан сўнг бемалол клуб машғулотларига қатнашиши мумкинлигини таъкидлашди, орадан бироз ўтгач спорт формаси ҳам олиб беришди. Шунга ҳам икки йил бўлди. Эндиликда Ж. Боқиевнинг туриш-турмуши тубдан ўзгарган. Тенгдошлари орасида бошини ғоз кўтариб юради. Мирвали Аҳмедов, Набижон Убайдуллаевлар ҳам спортга шўнғиб кетганларидан сўнг «тарбияси оғир» деган тамғадан қутулишди.

Милиция рўйхатига баъзан қизлар ҳам тушиб қолади. Улар билан ишлаш осон эмас. Масалан, ота-она назорати етарли бўлмаган Мадина Ҳамдамовани фаол тенгдошлари қаторига қўшиш учун анча ҳаракат қилишга тўғри келди. Кўпчилик бир бўлиб қизчани спортга жалб қилишгани яхши бўлган экан. Уч-тўрт йил шуғуллангандан сўнг дурустгина каратэчи бўлдиқолдики, унча-бунча йигитларни доғда қолдиришидан кўпчилик ажабланмай қўйди. Ҳаммадан эътиборлиси, катта-катта мусобақаларда устози ишончини бемалол оқлаяпти. Янгигина мисол. Шу йилнинг май ойида пойтахтдаги «Жар» спорт мажмуасида каратэ бўйича ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида Мадина ўз вазн тоифаси бўйича учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаль соҳибаси бўлди. «Қара, бундан беш йил олдин қай йўлни танлашни билмай аросатда юргандинг, энди машҳур спортчисан», дея ҳавас билан қараган дугоналарига майингина жилмайиб қўяди.

— Таянч пунктида болаларнинг ўралашиб юрйши четдан келган кишига ғалати туюлиши турган гап. Бироқ, биномиз орқасидаги каттагина залга ўтгандан сўнг масала ойдинлашадиқўяди, — дейди участка профилактика нозири, милиция капитани Искандар Раҳимов. — Бу ерда Абдужаббор Тожибоев ўттизта болага каратэдан сабоқ беряпти. Раҳимжон Тожиаҳмедов эса оғир атлетика ишқибозлари маҳоратини ошириш билан банд. Уларга етарли шарт-шароит яратиб берганмиз. Жисмоний чиниқиш машқлари қисқа фурсатда самара бераётганидан хурсандмиз. Ахир кечагина «тарбияси оғир» деган гапни кўтариб юрган боланинг бугун медаль соҳибига айланганлигини кўриш қандай мароқли!

Вояга етмаганлар билан иш олиб боришнинг қирралари кўп. Шаҳандда амалга оширилаётган тадбирлар унинг бир кўриниши ва у ибрат олса арзийди. Қанийди, ҳар бир таянч пункти қошида шундай спорт клублари ташкил этилиб, бу жойлар болалар қийқириғи билан тўлса...

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Республика ОИТС маркази ва «СПИД фонд Восток Запад» халқаро ташкилоти ҳамкорликда «ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш – давр талаби» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ОИТС ва гиёҳвандлик:

МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мазкур анжуман ОИТС, гиёҳвандлик ва терроризмга қарши биргаликда курашиш ҳамда юртимизда бу ажал уруғини кескин камайтиришдаги муаммо ва ечимлар таҳлилига бағишланди.

— Ушбу касаллик ўзининг хавфли жиҳатлари билан атрофдагиларни ўй-ташвишга солиб қўяди, — дейди Республика ОИТС маркази ходими Абдувоҳид Нурматов. — Уларга имкон қадар ёрдам бериш, тегишли марказларда муолажалар ўтказиш зарур. Қолаверса, ҳеч бир тўловсиз ва сир сақланган ҳолда даволаш бу муаммони бартараф этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Йиғилишда таъкидландики, дунё бўйича 40,3 млн. (2005 йил) киши СПИД билан касалланганлар сифатида рўйхатга олинган. Ачинарлиси, уларнинг 17,5 миллиони аёллардир. Мамлакатимиздаги беморлар сони эса МДҲ давлатлари ичида озчиликни ташкил этади.

Шунингдек, анжуман доирасида Фарруҳ Акрамов ва Иномжон Маҳмудовларнинг «ОИТС қачон? Қандай? Нима учун?» номли янги китобининг тақдимоти бўлди. Рисолада ОИТС (Организмда иммунитет танқислиги синдроми) касаллиги билан боғлиқ тушунча ва маълумотлар савол-жавоб тарзида кенг ифода этилган.

Ўз мухбиримиз.

ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида мактабдан ташқари таълимни такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика маънавият тарғибот маркази ҳамда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мактабдан ташқари таълим муассасалари, техник ижодиёт марказлари, тўгаракларнинг раҳбарлари ва услубчилари иштирок этди.

Икки кун давом этган тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Маорифнинг қуйи босқичи — мактаб, мактабдан ташқари таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли таълимда сезиларли самарадорликка эришилаётир. Бу жараёнда республикамизда фаолият юритаётган турли тўгарак ва техник ижодиёт марказларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг фойдали юмушлар билан банд бўлиши, касб-ҳунар ўрганиши ва истеъдодини юзага чиқаришида ушбу таълим муассасаларининг ўрни беқиёсдир.

Семинарда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим мазмун-моҳиятини янада бойитиш, ўқитишнинг янги — замонавий методларини жорий этиш, бунда мураббийлар ва услубчиларнинг малакасини оширишга оид долзарб масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Ж.КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Дўкон – Чехиядан келтирилган буюмлар

Exclusive BOHEMIA

Сизни кириб келаётган Янги йил билан қутлайди!

ва катта миқдордаги янги йил совғаларини таклиф қилади

биллур чинни идишлар, қандиллар, богем шишаси

Байрамолди чегирмалари 5 дан 30% гача

маҳсулот сертификатланган

тел. 361-52-88

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЁЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (Пр-ва России) - 8-40 зон : от 108 000 сум

Датчики дымовые оптико-электронные (Пр-ва России): от 10 000 сум

ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО - ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум за датчик Is215 и 150 000 сум за панель SYS2316

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши Кенгаш аъзоси, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Гофир Алиевга онаси
РАЖАБ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Мадаминович Ҳасановга онаси
Мухтабархон ая ҲАСАНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг проректори Абдумалик Ариповга рафиқаси
Диляра ХАДЖИЕВАнинг
вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Алишер Юлдашевга акаси
Абобакир ЮЛДАШЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Информацион технологиялар кафедраси профессори Равшан Аюповга падари бузруквори
ҲАМДАМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОАСИЧЖ «Тошкент универмаги» супермаркети жамоаси савдо соҳаси фахрийси Мадаминжон Ҳасановга рафиқаси
МУХТАБАРХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «ЭКОСАН» ташкилоти Бошқаруви аъзоси, «ЭКОСАН» Фахрийлар уюшмаси раиси Мадамин Ҳасановга рафиқаси
МУХТАБАРХОН аянинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси Молия, ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармаси бошлиғи Мақсудбек Юсуповга укаси
Равшанбек ЮСУПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 3456